37
37

Н.Худойберганов

СЕНИ ЎЙЛАЙМАН, ЗАМОНДОШ



CamScanner

БАДИИЙ ТАСВИР ВА ҒОЯВИЙ МАҚСАД

Ҳар жиҳатдан етук асар нималари билан қалбларни тўлқинлантириб, бутун вужудимизни жунбишга келтириб, нималари билан онгу тафаккуримизни бойитади, ҳаёт, ижтимоий тараққиёт ҳақидаги тасаввурларимизни ўзгартиради?

Табиийки, ҳаққоний, жозибали, ранг-баранг образлар билан деб жавоб берасиз бу саволга. Бироқ бундай образларнинг моҳияти, мазмуни, ўзига хос хусусиятларини аниқлаш осон эмас.

Атоқли совет адабиётшуноси, Ленин ва СССР Давлат мукофотларининг лауреати М. Храпченко ўзининг «Бадиий образ уфқлари» («Вопросы литературы», 1980, 11-12 сонлар) мақоласида бу муаммоларни ёритишга бағишланган тадқиқотлар жуда кўп ёзилганлиги, аммо деярли барча олимларимиз ҳозиргача бадиий образ ҳақидаги Гегель фикрларини хилма-хил шаклларда такрорлаш билан чекланиб, бирорта назарий янгилик кашф этолмаётганлигини кўрсатиб беради ва ҳаётни бадиий тадқиқ этиш, билиш, ўзлаштириш назариясида ҳукмронлик қилаётган бундай қолоқлик сабаблари тўғрисида атрофлича мулоҳаза юритади.

М. Храпченко бадиий тасвир тўғрисидаги мулоҳазаларимиз, фикрларимиз, ҳукм-хулосаларимиз ҳалигача ниҳоятда умумий, ноаниқ мавҳум бўлиб қолмоқда, деб таъкидлайди. Кўп ҳолларда тасвирни санъат ва адабиётнинг барча турларига тадбиқ этамиз, ҳолбуки, музика

ёки архитектурада ҳеч қандай тасвир тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас-ку, деб ёзади атоқли адабиётшунос. Бунга қўшимча қилиб, эпик тасвир, драматик тасвир, поэтик тасвирнинг ўзига хос хусусиятлари, умуман бадиий тасавирнинг моҳияти фақат қисман ёритилаётганлигини айтишимиз керак.

Сўз санъатида бадиий тасвир ҳал қилувчи вазифани бажаради: усиз образ яратиш тўғрисида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас, бироқ эпик тасвир поэтик тасвир ёки драматик тасвирдан жиддий фарқланадики, буни эътибордан соқит қилишга ҳам ҳаққимиз йўқ. Шуни ҳисобга олиб, 1980 йилги ўзбек прозаси, аниқроғи, қиссачилиги ва романчилигининг бир қанча фазилатлари, айрим етишмовчиликлари хусусида сўз очарканмиз, биринчи навбатда, эпик тасвир муаммосининг муҳим жиҳатларини ёритишга уриниб кўрмоқчимиз. Лекин бадиий тасвир, образ ҳақида нимани тилга олмайлик, қандай фикрни ўртага ташламайлик, уларнинг барчаси пировард-натижада ғоявий мақсадга бориб боғланишини бир лаҳза эсдан чиқаришимиз асло мумкин эмас. Ахир, партия ва ҳукуматимизнинг адабиёт ва санъатда ғоявий соғломлик, ғоявий юксаклик тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келаётгани бежиз эмас-ку! Яқинда бўлиб ўтган республикамиз коммунистларининг йигирманчи съездида ўртоқ Ш. Р. Рашидов ҳаёт қатламларига чуқур кириб, ғоятда муҳим, мураккаб, салмоқли муаммоларни ғоявий-бадиий жиҳатдан етук образлар орқали ёритишга эришган ижодкорликни қўллаб-қувватлади, улар зиммасига масъулиятли вазифаларни юклади, ижодий талабчанликни янада ошириш зарурлигини кўрсатди.

Хуллас, социалистик реализм адабиётида ғоявийлик ғоятда муҳим аҳамият касб этиши ҳеч қачон диққат марказидан четга чиқарилган эмас, бироқ айни чоқда ғоявийликни бадиийликдан узиб олиш ёки бадиийлик салмоғини инкор қилиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Чунки, марксча-ленинча эстетика асослари ҳаммавақт

CamScanner

ғоявийлик билан бадиийлик бир-бирига табиий равишда «пайванд»ланиб, «едирилиб», сингдирилиб юборилганда ижодий ютуққа эришилишини алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Бу ғоятда ҳаққоний фикр жуда кўп ва ўринли такрорланади ҳамда ҳеч кимда эътироз туғдирмайди, аммо ижод жараёнида унга ҳаммавақт изчиллик билан амал қилинмоқда, дейиш қийин. Хусусан, ғоявийлик деган тушунчанинг эстетик мазмуни бир қанча ҳолларда идрок этилмасдан қолиб кетади. Чунончи, муайян ишчи ёки деҳқон ёхуд зиёлининг оилавий ҳаёти, меҳнат фаолиятига оид бир қанча қизиқарли воқеалар баён қилиниб, ҳикоя ёки роман ёхуд қисса шаклида ўқувчиларга тақдим этилса, уларда ҳаммамизга маълуму манзур фикрлар айтилса, эътироз туғдирмайдиган ғоялар ифодаланса, бас, ғоявийликка путур етказилмади, бироқ бадиийлик, маҳорат етишмади, деб қўя қоламиз. Ваҳоланки, бадиий жиҳатдан заиф, ғўр, бўш бўлган асар ҳеч қандай ғоявий-ижтимоий қудрат касб этмайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Олим Қўчқорбековнинг «Инқироз» деб номланган қиссасига бир назар ташлайлик.

Қисса Бухоро амири Саид Олимхоннинг муҳожирликдаги ҳаётига бағишланиб, унинг биринчи саҳифалариданоқ қаҳрамоннинг Афғонистонда ўз бойликларидан ажралиб, хору зор, ватангадо бўлиб яшаётганлиги, аммо қариб қуюлмаган ҳукмдорнинг ўз хизматкори боқиб олган ёш қизга уйланаётганлиги сўзланади. Сўнгра амирнинг иккинчи хотини ўлиб, ўша ёш қизни ҳийлаю найранглар билан тузоққа илинтиргани, тўй қилиб уйлангани, икки фарзанд кўргани, шу орада Улуғ Ватан уруши бошланиб, дастлабки пайтларда совет қўшинларининг кўп талафотлар кўриб чекинганлиги, бундан Олимхоннинг хурсанд бўлганлиги, Бухорога яна ҳукмдор бўлиш истаги билан яшаганлиги, бироқ пировардида Гитлернинг тор-мор қилиниб, бу истакнинг юзага чиқмай қолганлиги ва амирнинг вафот этганлиги қаламга олинади...

«Инқироз»да нима тўғрисида сўзланмасин, қандай воқеа қаламга олинмасин, ҳаммавақт Саид Олимхон ва унинг тарафдорлари, маслакдошлари қариндош-уруғлари қораланади, меҳнаткаш халқ, совет ҳокимияти, социалистик тузум улуғланади.

Кўряпсизми, ҳеч қандай нотўғри, номақбул фикр айтилаётгани йўқ, ёмонни ёмон, яхшини яхши дейиляпти, холос. Ахир, бундай дейиш билан, борни бор, йўқни йўқ, оқни оқ, қорани қора дейишнинг ўзи билан баркамол асар яратиш мумкин эмас-ку?! Ахир, бадиий адабиёт ҳаёт воқеаларини шунчаки баён қилишга эмас, балки тадқиқ этишга йўналтирилади-ку?! Олим Қўчқорбеков эса «Инқироз»да нимаики тилга олинмасин, деярли барчасини фақат баён этишдан нарига ўтмайди. Мана бу кўчирмага диққат қилинг: «Амир отдан тушса ҳам эгардан тушмади. У ўзини худди Бухородагидек ҳис этиб, қалъа ичкарисида маишатни давом эттирарди. Бухородан ўзи билан бирга олиб келган икки хотинини икки хонага жойлаштириб, навбат билан мулоқотда бўлди. Энди у ўн гулидан бир гули очилмаган Бўстонни кўз остига олиб, тўйни шаҳар ҳовлисининг битишига мўлжаллаб қўйди».

Шу тахлитда амирнинг қандай иш билан шуғулланган, нималарни режалаб, нималарни амалга оширгани, амалга оширмоқчи бўлганини айтиб берилаверади, айтиб берилаверади, бироқ кўз ўнгимизда Олимхоннинг жонли қиёфаси гавдаланмайди, унинг инсон сифатида қандай яшаб, давлат арбоби сифатида қандай фаолият кўрсатгани сезилмайди. Қаламга олинган воқеалар, фикрлар жозибали, ҳаққоний тасвирлар орқали берилмаганидан кейин бошқача натижанинг юзага келиши амримаҳолдир. Ёрқин, жонли тасвирларни эса фақат аниқ, ҳаққоний, муҳим ғоявий мақсад асосида кашф этиш мумкин. Ғоявий мақсад қанчалик улуғвор, салмоқли, қудратли мазмунни ўз ичига қамраб олса, шунчалик

Бухара
ИНВ. № 372367
Обл. библиотека

кучли, ёркин, тўлақонли тасвирлар яратилишига имкон туғдирилади.

«Инқироз»да муаллифнинг амир Олимхондай ғоятда хавфли, даҳшатли, лекин жуда кучли, қудратли, кенг миқёсли шахс ҳаёти ва фаолиятининг сўнгги саҳифалари — фожиали, зиддиятли саҳифаларини ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб ёритишга, янгилик кашф этишга интилгани сезилмайди. Тўғри, унинг анча-мунча тарихий ҳужжатларни ўрганганлиги, воқеаларни наср шаклига солишга астойдил ҳаракат қилганлиги эътиборга моликдир, аммо қалбларни беқиёс даражада тўлқинлантириб, онгу тафаккуримизни ўзгартирадиган образлар яратолмаганлигини ҳам ачиниб, афсуслаииб айтишга мажбурмиз.

Фақат ташқи аломатлари, сиртқи кўриниши билан прозага ўхшаб кетадиган «Инқироз» каби асарлар сони, афсуски, йилдан-йилга ортиб бормоқда, бироқ социалистик реализм принципларини оғишмай амалга ошираётган миллий адабиётимиз, хусусан насримиз тобора ўсиб, ўзгариб, такомиллашиб борган сари ғоявий-бадиий жиҳатдан пишиб етилмаган ижод маҳсулотини муросасизлик билан очиб ташлаб, чинакам истеъдод эгаларининг изланиш—интилишларини янада авж олдириш зарурияти пайдо бўляпти.

Мана шу зарурият асослари эллигинчи йилларнинг охирларидаёқ юзага чиқиб, умуман адабиётимизнинг, айниқса, прозамизнинг 60—70- йилларда тараққиётининг янги босқичига кўтарилишини таъминлади.

Табиийки, насримиз тараққиётининг янги босқичига Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби адибларимиз замин ҳозирлаганлиги ҳаммага аён. Истеъдодли насрнависларимиз мана шу заминни ҳар томонлама мустаҳкамлаб, янада юксак довонларни забт этиш йўлидаги изланиш-интилишларини муттасил кучайтирмоқдалар. Бу изланиш-интилишларнинг қандай натижаларга олиб келаётгани биринчи навбатда ёзувчиларимизнинг

ўз олдига қандай ғоявий мақсадни қўйиб, қай даражада ранг-баранг, ҳаётий, мураккаб тасвирлар кашф этиши ёки кашф этолмаслигига боғлиқдир.

Шу жиҳатдан қараганда Асқад Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари», Назир Сафаровнинг «Момақалдироқ», Муроджон Мансуровнинг «Ҳамманинг яшагиси келади» деган асарларидаги бир қанча таъсирчан манзаралар диққатимизни жалб этади.

Асқад Мухтор халқимизнинг асл фарзандларидан бири, атоқли давлат арбоби Файзулла Хўжаевнинг ёшлик йилларини жонлантириб, зулмат ва зулм ҳукмронлик қилаётган кўҳна Бухоро кўчаларига олиб кирса, Назир Сафаров Нурота билан Кармана оралиғидаги бир қишлоқда истиқомат қилаётган ниҳоятда содда, гўл, аммо ҳалол, инсонпарвар Ҳотамнинг мулкдорлар томонидан эзилиши, оғир, фожиали ҳаёти тўғрисида дард-аламлар билан эзилиб сўзлайди ва бу оддий йигит қалби, онгида ўзгаришлар рўй бериб, унинг адолат, бахт-саодат, озодлик учун кураш сўқмоғига (йўлигамас!) қадам қўйганини кўрсатишга киришади.

Муроджон Мансуров ўз қаҳрамонларининг жонли қиёфасини гавдалантириш бобида кўзга кўринарли натижаларни қўлга киритган. «Ҳамманинг яшагиси келади» қиссасида Устюрт саҳросида жасорат кўрсатган геолог олимларни ҳаётий манзараларда кўрсатиб, уларнинг ўзига хос мураккаб, зиддиятли характерларини ҳаётийлиги билан чизади, таъсирчан тасвирларга «жон» ато қилиб, ҳаққоний образлар яратади.

«Бухоронинг жин кўчалари»дан олинган мана бу парчани кўздан кечирайлик: «Эндигина ўн олтини қоралаб келаётган, бўйи ўртадан тикроқ Файзуллонинг чўзинчоқ тиниқ юзида, катта-катта кўзларида жиндек қувончу ташвиш аралаш бир паришонлик сезилар, бу ҳолат унинг либосида ҳам кўрингандек эди. Эгнида соф европача тикилган қўнғир костюму устидан оддий майдақавиқ тўн, оёғида бойроқ қишлоқилар киядиган музаи чаппаю бо-

шида бежирим тасор. Етагида нимадандир норозидек мунғайиб кетаётган пастаккина кўк бодом дўнан шаҳар дарбозасидан чиққандан кейин табиат эркинлигини сезгандек қуёшда товланган бўлиқ сағриси титраб қўйди. Улар бир-бирларини тушундилар: бу сабрсизлик белгиси эди».

Асқад Мухтор шу тариқа қаҳрамон қиёфасига оид конкрет аломатларни чизиб, унинг ички дунёси, вужуди, юриш-туришларида рўй бераётган ўзгаришларни диққат марказидан четга чиқармайди. Бу ўзгаришлар эса асос эътибори билан ёш Файзулло дунёқарашининг шаклланиши, онги, тафаккуридаги тебранишлар маънавиятида етуклик пайдо бўла бошлаганидан далолат беради. Кўз ўнгимиздан гоҳ Бухоронинг жин кўчалари, гоҳ Убайдуллохўжа ҳовлисида бўлиб турган ҳар хил воқеалар, гоҳ қаҳрамоннинг ота-онаси билан, қариндош-уруғлари, айниқса, тоғаси, ёр-биродарлари билан учрашувлари, мулоқот — баҳслари, гоҳ мулкдорларнинг меҳнаткаш халқ қонуни зулукдай сўриб, беҳисоб хазиналар орттираётгани, айш-ишратда давру даврон сураётгани ўтиб туради. Натижада ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, ноҳақликни намоён этувчи даҳшатли манзаралар пайдо бўлади ва улар қаҳрамон қалбининг тўлғонишлари, қийналишлари, иккиланишларига табиий равишда уланиб кетади: «Файзулло бу овозларданми, шамол, чанг тўзонданми ўзини ҳимоя қилиб, икки қўли билан қулоқларини бекитганча кимсасиз тош йўлда ҳамон югуриб борар, дам князнинг жилмайган юзи, дам Шульгиннинг тўнг башараси, гоҳо Ярофейнинг қизил мижжалари кўз олдидан бир-бир ўтар эди. Нафаси тиқилиб, бирдан атроф тим қора тун эканлиги эсига келди. Ўзини қоп-қора сув ичида сузаётгандек сезди. Ҳаво йўқ, қора сув қаърига ютиб кетаётганмиш, ёнида яна аллақандай башаралар, кишанли оёқлар, даҳшат ичида олайган кўзлар... одамлар бўғилиб, бақириб, ғарқ бўлар эмиш... Файзулло қаттиқ шамол кўтарган қуюқ тўзон ичида хунук товуш билан бир

бақириб, йўл четига юзтубан йиқилди. Йиқилганда мангалайи қаттиқ урилиб, ҳушига келди: ер, тун, шамол, оғриқ... Бари бор нарсалар. У туриб ўтирди. Бутун аҳволи, бутун вазият кўз олдига келди: базмдан чиқиб қочгани, ёлғизлиги, номаълум томонга югургани... Йўқ, бу ўша келган йўли эди. Зиёни йўқ, юрса бекатга етиб олади, оғриқ босилади, шамол тинади, тонг отади...»

Файзулло князь Антоновскийнинг ўзини тилда адолатпарвар қилиб кўрсатиб, амалда эса меҳнаткашларни шафқатсизлик билан эксплуатация қилишини англаб етгандан кейин мана шундай даҳшатли вазиятга тушади, унинг зулмат қаърида нурни, адолат нурини муттасил излаётгани, лекин излаётган ҳақиқатини тополмаётгани махсус изоҳларсиз бевосита тасвирланади, қаҳрамон қалбида рўй бераётган тебранишлар бевосита намоён қилинади.

Шундай намоён қилинганки, ўқувчи қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатини вужуди билан ҳис қилиб туради, Файзулло адолатсизликни ҳазм қилолмагани туфайли ҳистуйғулар бўронига ғарқ бўлганини ҳам қалбдан, ҳам ақл кучи билан идрок этади, пировардида ўқувчи билан қаҳрамон ўртасида гўё кўприк ҳосил бўлиб, уларни бирлаштиради, бир тану бир жондай ўйлашга, яшашга имкон туғилади.

Имкон туғилгани учун ёзувчининг ўқувчига айтмоқчи бўлган фикрлари мўлжалга аниқ етиб боради, қаҳрамон туйғулари, мулоҳазалари, интилиш-изланишлари, қувончлари, ғам-аламларини ўқувчига «юқтиради».

Файзуллонинг фақат Антоновский билан суҳбат-мулоқоти, пинҳона талашув-тортишувларигина эмас, балки унинг тоғаси қишлоғидаги хонавайрон бўлган оилаларнинг аянчли турмушини кўрганда ҳам, отаси билан видолашув пайтида ҳам, жадидларнинг йиғинларига қатнашганда ҳам қандай ҳолатга тушгани анча таъсирчан манзараларда ўз ифодасини топган.

Асқад Мухтор тасвирга фалсафий мушоҳадаларни «пайвандлаш»га, фикрлар оқимининг ўсиш-ўзгаришига кўпроқ эътибор беради. Назир Сафаров эса қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини бевосита гавдалантиришга интилиб, қўл-оёғи шол, мажруҳ Додхудонинг камбағалларга даҳшатли зулмини ўтказаётгани, Ҳотам сингари ҳалол, содда, заҳматкаш йигитларнинг ҳаётига зомин бўлаётгани, уларнинг бахт-саодати, иқболи, озодлиги, эркинлигини поймол этаётганини табиийлиги, мураккаблиги билан гавдалантириш учун тинмай изланган, тиниб-тинчимаган сезилиб туради Табиат томонидан ҳаётнинг барча лаззатларидан маҳрум этилган Додхудонинг ўзига хос фожиасини, унинг армон билан кун кечираётганлигини, айни чоқда мулкдор сифатида қобилиятини намойиш қилиб, бойлик орттиришга муккасидан кетганлигини анча таъсирчан ҳолатларда кўрамиз. Ҳар жумада уни опичлаб масжидга олиб бориб келаётган Ҳотамнинг онги аста-секинлик билан ўзгариб, ўз бахти учун, адолат, ҳақиқат тантанаси учун кураш йўлларини излашга киришганига гувоҳ бўламиз.

Агар «Бухоронинг жин кўчалари»да ўйчанлик, фалсафийлик, интеллектуаллик ҳукмронлик қилса, «Момақалдироқ»да ёзувчининг диққат-эътибори қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларининг ижтимоий моҳиятини ёритишга қаратилади. «Ҳамманинг яшагиси келади» қиссасида Муроджон Мансуров кимсасиз чўлу биёбонда бир неча геологларнинг адашиб қолиб, ҳалокат ёқасига келиб қолганини қаламга олади ва инсон ҳар қандай шароитда яшаш учун курашади, аммо бу курашни кимки адолат руҳида виждон даъватига мувофиқ бошласа, давом эттирса, ғолиб чиқади, юзи ёруғ бўлади, деган фикрни илгари суради.

Асарда воқеалар шиддат билан ривожланади, қаҳрамонлар қалбида рўй бераётган ўзгаришларда кескинлик, жиддий «портлаш»лар, зиддиятлар яққол кўринади ва муаллиф тасвирларни кучли драматизм руҳи билан су-

ғоришга эришган. Айниқса, оддий шофер бўла туриб ҳар қандай қийинчиликлар, тўсиқлар, мураккаб вазиятларда ўзининг софлиги, одамийлиги, ҳалоллигини сақлаб қола олган, фақат ўз ҳаёти, тақдири тўғрисидагина эмас, балки ўзгаларнинг яшаши учун жон куйдирган Отамурод образи ишонарли тасвирланган. Унинг фақат ўз ҳаёти, ўз жонини ўйлаб, барча хатти-ҳаракатларини фақат шахсий манфаатларга бўйсундирган Ортиқ билан тўқнашувлари, «жанг»лари анча ҳаётий чизилган ва улар ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

«Бухоронинг жин кўчалари», «Момақалдироқ» ҳамда «Ҳамманинг яшагиси келади»да жонли одамларнинг жонли қиёфаларини гавдалантириш орқали Файзулла Хўжаев сингари буюк шахсларнинг характерлари қандай шаклланган, характерлар шаклланиш даврида қандай мураккабликлар, чигалликлар, зиддиятлар пайдо бўлгани, Ҳотам каби оддий инсоннинг онги, тафаккурида ижтимоий ҳаёт тақозосига мувофиқ инқилобий ўзгаришлар рўй бергани, Отамурод сингари замондошларимизнинг виждон даъватига кўра ҳалол яшаётгани намоён қилинади. Бинобарин, бу асарлардан бири Асқад Мухтор, иккинчиси Назир Сафаров, учинчиси Муроджон Мансуров ижодида ўзига хос ижобий ҳодиса бўлганлигини эътироф этишимиз зарурдир. Айни чоқда қаҳрамонларнинг шахсий ва ижтимоий фаолиятини мавжуд мураккабликлари, зиддиятлари билан чуқур ёритишга интилиш тобора авж олиб, социалистик реализм уфқларининг анча кенгайганига ишонч ҳосил қиламиз. Шунинг учун ҳар уччала асар ўзбек насрининг фазилатларидан бир қанчасини ўзида мужассамлаштирган, дейиш мумкин.

Танқидчилигимизда «Бухоронинг жин кўчалари», «Момақалдироқ» ва «Ҳамманинг яшагиси келади» ҳақида илиқ гапларнинг айтилаётгани бежиз эмас. Бундан кейин ҳам уларнинг қизғин фикрлар, баҳслар туғдиришига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Зотан, ҳаётий манзаралар, таъсирчан образлар, жонли қиёфалар яратилмаса,

ҳеч қандай фикр алмашув, баҳслашув бўлиши мумкин эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда «Бухоронинг жин кўчалари»да баъзан тасвирларнинг мантиқий изчиллик билан муттасил давом эттирилмаганини, баъзан жонли манзараларда гавдалантирилиши зарур бўлган воқеаларнинг, фикрлар, туйғулар оқимининг шунчаки баён этилганини кўрамиз. Оқибатда ёш Файзулло образининг янада ҳаётийроқ, ҳаққонийроқ, тўлақонлироқ чиқишини таъминлайдиган имкониятлардан гоҳида етарли фойдаланилмагани сезилиб қолади.

Аҳён-аҳёнда «Файзулло бир неча ҳафта шундай карахт бўлиб юрди. Йўл-йўлакай хўжалик бўйича фармойишлар берар, ҳужжатларга суриштирмай имзо чекар, уйдагиларнинг хавотирли кузатишларидан қочиб, корфармоннинг овлоқ хонасида кунлари билан қамалиб ўтирар эди. Бу хонада эски бахмал ёпилган хонтахта устида бир вақтлар Русиядан олиб келинган катта чўян сиёҳдон, қамиш хома учини тозалайдиган ва қаламлар суқиб қўйиладиган қумдон, ёғи оқиб ётган чала-ярим шамли мис шамдонлар бўлиб, ёнида сўхта оладиган миқрози ҳам ётарди» каби изоҳномаларга мурожаат этилиб, уларнинг моҳияти бадиий воситалар орқали ёритилмаганини, жонли тасвирларга табиий равишда моҳирлик билан уланмаганини кўрамиз. Ахир, қаҳрамоннинг карахт бўлиб, ўзини йўқотиб қўйгани, қандай ишларни бажараётганини билмай қолгани тўғрисида шунчаки сўзлаб бериш билан ўқувчи қалбини тўлқинлантириш мумкин эмас-ку?! Борди-ю, қандай карахт бўлгани, қандай ҳолатга тушгани ўзига хос такрорланмас манзараларда гавдалантирилиб, ғоятда салмоқли, ўткир, ҳаққоний ғояга табиий равишда «пайвандлаб» қўйилса, кўзланган натижага эришилармиди, деб қоласан киши. Яна шуниси борки, қаҳрамоннинг қандай ҳолатга тушиб, қандай кечинмалар, ўйларни бошидан кечираётганини ҳар бир ёзувчи ўзига хос шаклда кўриб, ўзига хос шаклда ифодалайди, тасвир, услубда эса мана шу ўзига хослик намоён бўлмаса, ёзувчининг ҳаётни санъаткорона тадқиқ этиши тўғрисида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас.

«Бухоронинг жин кўчалари»даги шарт-шароит тасвирида ҳам, қаҳрамон ички дунёси, онги, тафаккуридаги ўсиш-ўзгаришларининг тасвирида ҳам баъзан изчиллик, баъзан чуқурлик, баъзан ўзига хослик сезилмайди. Ёш Файзуллонинг бирданига большевиклар сафига қўшилмагани, бир неча бор янглишиб, адашиб, жадидларга эргашгани, фаолият кўрсатгани жуда ўринли ва тўғри таъкидланади, уқдириб ўтилади, лекин таъкидланган, уқдирилган ҳодисалар, ўсиш-ўзгариш уфқлари қисман ёритилади, холос.

Бу мулоҳазаларимиз бир қанча фазилатлари билан ажралиб турадиган «Момақалдироқ» романининг биринчи китобига ҳам бевосита тааллуқлидир.

«Момақалдироқ»нинг биринчи китобида Назир Сафаров ижодида ўзига хос янги босқичга кўтарилганини мамнуният билан таъкидлаган ҳолда шундан кўз юмолмаймизки, бу асарда ҳам қаҳрамонлар ички дунёсини чуқур тадқиқ этиб, давр ва замоннинг руҳини, такрорланмас хусусиятларини гавдалантириш жараёнида баъзан баёнчиликдан фойдаланилди, бадиий тасвирнинг изчиллик билан муттасил давом эттирилиб, ғоятда салмоқли, кенг миқёсли маънони ифодалашига ҳаммавақт эришилавермайди. Бир қанча ҳолларда қаҳрамонларнинг ўзларига тааллуқли воқеалар ҳам, улар ҳаракат қиладиган муҳитга тегишли ҳодисалар ҳам шунчаки шарҳлаб берилади: «Шуниси диққатга сазоворки, хоҳи ёш, хоҳи кекса шу кунгача чашма балиғига дахл қилган эмас, дахл қилмайди ҳам, фақат чашманинг кўм-кўк зилол сувидан қона-қона ичиб, чанқоқларини босиб, «шукур» деб қўйишни унутмайдилар. Сўнг балиқларга ризқ-рўз улашиб, уларнинг талаш-тортишларини завқ-шавқ билан томоша қиладилар».

Диққат қилинг: услуб газета мақоласиникига ўхшаб кетади («Шуниси диққатга сазоворки...»), чашманинг ўзи ва унинг балиқлари ҳақида фақат ахборот берилади, холос. Бир ўринда «Деҳибаланд қишлоғи тўғрисида кичик тафсилот» дейилади-да, ўша қишлоқ таърифланади, иккинчи ўринда «энди сўфи ҳақида икки шингил гап» дейилади-да, ўша сўфи тўғрисидаги изоҳнома эътиборимизга ҳавола қилинади. Яна бир ўринда Додхудонинг меҳнаткашлар қонини зулукдай сўраётгани ҳадеб таъкидланаверади, таъкидланаверади, Ҳотамнинг эса унга қарши курашга отланаётгани айтилаверади, айтилаверади, аммо айтилган, таъкидланган фикрлар ҳаётий, ҳаққоний, ранг-баранг тасвирга жипс боғланиб, «пайвандланиб» кетмайди.

Бунга шуни қўшимча қилиш керакки, салбий қаҳрамон сифатида майдонга чиқарилган Додхудонинг деярли барча хусусиятлари, хатти-ҳаракатлари, фикр-туйғулари асосан қора рангда берилади, бирорта инсоний хусусияти, белги-аломати қаламга олинмайди, ҳадеб унинг қўл-оёқсиз шол, мажруҳ эканлиги бўрттириб айтилаверади, ҳатто эркаклик хусусияти ҳам табиат томонидан мосуво қилингани уқдирилади. Айни чоқда бу шахснинг ўзига хос ақл-идрокка эга эканлиги, унинг ўзига хос фожиали ҳаёт кечираётганлиги умумий йўсинда баён этилади, аммо чуқур очилмайди. Додхудо сингари анча катта, мураккаб тақдирли шахс фаолиятининг ички моҳияти, ички сирлари, ички мазмуни жонли тасвирлар орқали гавдалантирилмайди.

Додхудо билан доимий муомала-муносабатда бўладиган Ҳотамнинг онги, тафаккурида рўй берадиган ўсиш-ўзгаришлар ҳам баъзан таъкидлаб ўтилади, ёрқин таъсирчан манзараларда ёритилмайди.

Худойберди Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» романида «Момақалдироқ» сингари ўтмиш саҳифаларини жонлантириб, халқимизнинг матонатли, буюк фарзандлари ҳаёти, «Тубсиз Осмон» (Нурали Қобул) да

эса «Ҳамманинг яшагиси келади» қиссасидаги каби ҳозирги ижтимоий тараққиёт муаммолари қаламга олинади.

Табиийки, бу асарларнинг ғоявий-бадиий савияси бир хил эмас, улардаги тасвирлар, манзаралар, образлар, характерлар ҳам бир-бирларидан ажралиб туради, лекин мазкур романлар, қиссаларни бир-бирларига яқинлаштирадиган муштараклик мавжуд: улар муҳим, ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқиб, чинакам халқ қаҳрамонларининг қиёфасини гавдалантиришга қаратилиши билан кўпчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортади. Агар Назир Сафаров, Нурали Қобул, Муроджон Мансуров халқимизнинг жуда оддий, содда фарзандларининг ҳаётий характерларини яратишга интилса, Асқад Мухтор билан Худойберди Тўхтабоев кенг миқёсли улуғ шахсларнинг шахсий ва ижтимоий фаолиятини ёритишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар.

Файзулла Хўжаевнинг буюк давлат арбоби бўлиб, шахс сифатида ҳам буюк бўлганлигини Асқад Мухтор мавжуд мураккабликлари, зиддиятлари билан кўрсатишга жазм этганлигини айтган эдик. Лекин «Қасоскорнинг олтин боши»даги Намозни буюк шахс деб бўлармикин? Яна шуниси борки, унинг асл-насаби чўпонлик бўлиб, умр бўйи буғдой экиб, деҳқончилик билан шуғулланишни орзу қилган.

Худойберди Тўхтабоевнинг хизмати шундаки, у жуда кўп тарихий ҳужжатларни атрофлича ўрганиб, Намознинг доно, тадбиркор, матонатли, инсонпарвар, адолат, ҳақиқат йўлидаги курашга жонини тиккан чинакам халқ қаҳрамони эканлигини исботлайди.

«Қасоскорнинг олтин боши»ни ўқирканмиз, кўз ўнгимиздан ўз даври, ўз замонидан бир қадам олдинда юрган, ижтимоий тараққиётнинг моҳиятини кўп жиҳатлардан англаб етган, ўзигина эмас, ўзгаларни ҳам бахтиёр, озод яшаши учун курашга бутун куч-қудрати, онгу тафаккурини бағишлаган эл-юрт фарзанди гавдаланади.

CamScanner

Буни қуйидаги парчадан бир оз англаб олиш мумкин: «Узгаларни бахтли кўрмагунча, ўзимизни бахтли ҳисоблашга ҳаққимиз йўқ! Ўзгаларни эркли, озод кўрмагунча, ўзимиз ҳам озод эмасмиз! Бойлар, беклару амалдорлар сандиқларида занг босиб ётган кумушу тиллоларни тортиб олиб, ўз эгаларига қайтариб бермагунча, қиличлар қайта қинига солинмагай... Ана ўшандан кейингина халқ бизга ишонади, ортимиздан эргашади».

Бу сўзлар Намозга тегишли бўлиб, улар бу инсон онги, маънавияти юксаклигидан далолат беради, лекин узил-кесил хулоса чиқаришга шошилмасдан кўчирманн давом эттирайлик: «Ҳозирчи, ҳозир фуқаро бизнинг ортимиздан юрмайдими?— шунчаки сўраб қўйди Шерниёз. Намоз бош чайқади:

— Ҳозир улар ғазовотга деса рўдапо эшон орқасидан паншаха кўтариб эргашади-ю, аммо елкасига миниб олган бойнинг таъзирини худонинг ўзи берар, деб бошини эгиб жим тураверади. Золимларнинг жазосини худо эмас, мазлумларнинг ўзи бериши керак. Буни биз амалда исботламоғимиз даркор».

Романда Намоз ўз айтганларини амалда кўрсатгани бир қанча таъсирчан манзараларда ифодаланади. Ёзувчи қаҳрамоннинг ўзига ўхшаб зулм, зулмат қаърида эзилиб ётган ҳақ-ҳуқуқсиз қашшоқларни ўз атрофига тўплаб, бойлар, амалдорларнинг мулки, бойлигини тортиб олиб, меҳнаткашларга улашиб берганини, бу йўлда мислсиз матонат, мардлик намуналарини кўрсатганини умуман олганда ишонарли гавдалантирган. Энг муҳими шундаки, Намоз қанчалик буюк шахс бўлишига қарамасдан ўзига хос чекланганликдан холи эмаслигини, ҳали унинг ҳаёт тараққиётининг объектив қонуниятларини тушунолмаслигини, тушуниши мумкин эмаслигини сезиб турамиз. Негаки, асарда унинг буюклиги ҳам, маълум маънода ожизлиги, нуқсонлари ҳам эътибордан соқит қилинмайди: «...Худо хоҳласа, кузга бориб бутун Зарафшон мазлумларини оёққа турғизаман! Ҳозирча уларга

от, милтиқ беряпман. Қорни очга нон, яланғочга кийим беряпман, букилган қаддини ростлаб олишига кўмаклашяпман. Шу йилдан қолмай, ҳаммасини оёққа турғизаман. Биргалашиб зулм уруғини йўқ қилиб ташлаймиз.

— Ундан кейин-чи?— ўйчан сўради Насиба.

— Бою савдогар зотининг тухумини қуритаман...

— Ундан кейин-чи?

— Ундан уёғини, ростини айтсам, ўзим ҳам билмайман, худо ҳаққи, билмайман».

Ҳа, Намоз чинакам эрк, озодликка эришиш учун ижтимоий тузумни ўзгартириб, халқ ҳокимиятини ўрнатиш, зулмни таг-томири билан йўқотиш зарурлигини, уюшган монолит партия раҳбарлигида сиёсий армияни ташкил қилиш лозимлигини тушуниб етганмас ва бу тарихий ҳақиқатга тўғри келади.

Худойберди Тўхтабоев асарда тарихий ҳақиқатдан чекинмайди, аммо тарихий ҳақиқат тўлалигича бадиий ҳақиқатга айланиб, қалбларни ларзага келтириб, онгу тафаккуримизни ҳайратга соладиган ҳар жиҳатдан етук образлар яратилган, деб ҳам айтолмаймиз. Чунки, «Қасоскорнинг олтин боши»да қаҳрамонларнинг, хусусан Намознинг ҳам ўткир ақли, ҳам ўзининг бебаҳо, мислсиз куч-қудрати билан золимлар, бойлар, амалдорлар, неча марталаб қўйилган тузоқлардан, ҳатто турмалардан, пистирмалардан қутулиб кетгани кўп ҳолларда ишонарли тасвирланади, бироқ уларнинг, айниқса, асосий етакчи образларнинг ички дунёси жуда кам ёритилади. Ёзувчи Намоз ва унинг сафдошлари, жангчилари қаерда, қачон, қандай қилиб қайси бой, амалдорнинг додини бериб, қаерларга яширингани, қанчалик зўр маҳорат билан, жуда зўр усталик билан қаерларда қўлга тушмай юрганлигини доимо диққат марказида тутади, бироқ бу қасоскорларнинг онг, тафаккури, қалби, юрагида қандай туйғулар, ҳис-ҳаяжонлар, фикрлар пайдо бўлиб, қандай ўсиб унгани, ривожланганини бутун мураккабликла-

CamScanner

ри зиддиятлари билан тадқиқ этмайди, ҳаққоний тасвирлар орқали гавдалантирмайди.

Нима учун «Қасоскорнинг олтин боши»да қаҳрамонлар қалби, фаолияти, ҳаракати, туйғу-кечинмаларининг оқими, ички дунёсидаги ўсиш-ўзгаришлар чуқур тадқиқ этилмасдан, ҳаққоний тасвирлар орқали гавдалантирилмасдан шунчаки баённомалар, изоҳномалар шаклида берилади?

Бунинг сабабларидан бири шунда бўлса керакки, муаллиф воқеаларни асосан саргузашт, детектив шаклида ифодалаш йўлидан боради. Аслида Намознинг шахсияти ҳам, фаолияти ҳам ниҳоятда кучли зиддиятларга, мураккабликлар, даҳшату фожиаларга тўлиб-тошиб ётгани учун, ўта кучли тўқнашувларни, олишувларни ўз ичига қамраб олгани учун психологик таҳлилга, чуқур тадқиқот руҳига суғорилган реалистик тасвирга муҳтож эдики, асарда мана шу нарса фақат қисман эътиборга олинади, холос.

Яна бир сабабини шунда кўрамизки, Намоз аҳён-аҳёнда гоҳ Гўрўғлига, гоҳ Алпомишга таққосланиб, афсонавий қаҳрамон қиёфасига киритилади: «Жуманбой наздида бой хазинани пойлаб ётган катта аждарҳони-ю, Намозбой шу заҳарли илон билан олишмоққа бел боғлаган баҳодирни эслатиб турарди. Аждарҳо ҳали енгилган эмас, ҳозир у қарши ҳужумга ўтиб, оғзидан олов пуркаб ҳаммаёқни кунпаякун қилиши мумкин».

Тўғри, Намоз афсонавий қаҳрамонлардай шуҳрат қозонган, бироқ барибир афсонавий баҳодир эмас, балки реал қаҳрамон, эртакларда эмас, балки ҳаётда бўлиб ўтган буюк инсон, мард инсон. Жуда кучли зиддиятлар, мураккабликларни ўз қалбига жо қилган кенг миқёсли шахсдир. Бинобарин, унинг характерини яратишда кўпроқ реалистик воситалардан фойдаланиш лозим эдики, Худойберди Тўхтабоев бу вазифани фақат қисман уддалаган, деб айтиш мумкин.

«Тубсиз осмон»да ёш Норбўтанинг табиат сири ва сеҳрини идрок этувчи, оқ кўнгил, пок, ақлли қаҳрамон эканлигини кўрсатиш учун афсонавий ўхшатишларга мурожаат этилмайди, боланинг Бўйноқ исмли ит билан муомала-муносабатлари гавдалантирилади. Шундай гавдалантириладики, беихтиёр итнинг қадим замонлардан буён вафодор, садоқатли дўст сифатида одамларга хизмат қилиши, одамларнинг тилига, дилига «тушунишига» ишонасиз: «Айниқса, кечалари сурувни ёйгани чиққанимизда қувончим ичимга сиғмай кетади. Ҳамро чўпон берган эски таёқни милтиқдай қилиб ушлаб оламан-да, бутун тоғу тошларни қўриқлайман. Мен лашкарбоши, Бўйноқ аскар бўлади. Лекин қўйлар — менинг аскарларим. «Олға-а!» десам, тамом. Бутун қир-адирларни, энам айтгандек, «япондай» босамиз».

Асарнинг бир қанча саҳифаларида болаликнинг ана шундай қувноқ, беозор, қизиқарли дунёси жилваланиб туради ва бу дунёдаги беғубор, мўътабар туйғулар одамларни янада самимий, виждонли бўлишга чорлайди. Борди-ю, самимийлик, поклик, ҳалоллик ўрнини бағритошлик, бепарволик эгалласа, пировард-натижада фожиа рўй берадики, буни биз ёш Норбўтанинг ҳалок бўлиши орқали кўрамиз.

«Тубсиз осмон»нинг ҳаётий негизи анча мустаҳкам, у табиатга, инсоният оламига янада сезгирлик ва масъулият билан қарашга, турмушнинг нозиқ, мураккаб жиҳатларини чуқур идрок этишга даъват этади, аммо бу қиссада мавжуд имкониятлардан ҳаммавқт етарли даражада фойдаланилган дейиш қийин.

Нурали Қобул ёш Норбўтанинг Бўйноқ билан яхшилик, эзгулик йўлида бир-бирларига ҳамдаму ҳамкорлик қилганини ишонарли тасвирлайди, бироқ қаҳрамоннинг ота-оналари, бегона одамлар билан тўқнашувларини тадқиқ этиш ўрнига кўпинча баён этиш, изоҳлаш билан чекланади. Қаҳрамон ички дунёси, фикр-туйғулари, ғам-аламлари, қувонч-шодликлари қалбларни тўлқин-

лантирувчи манзараларда ёритилмайди. Ёзувчи ғоясини ўқувчига бекаму кўст етказиб беришга қаратилган ҳаққоний тасвир қиссанинг бошидан то охиригача изчил давом эттирилмайди, қаламга олинган ҳаётий материал қизиқарли, салмоқли фактлар, воқеалар теран таҳлилдан ўтказилмасдан баён этилади. Оқибатда мантиқий номувофиқликлар, сунъий, юзаки тавсифларнинг келиб чиқишига йўл қўйилади. Чунончи, «Тубсиз осмон»нинг бош қаҳрамони Норбўтани ҳали турмушнинг оқу қорасини, аччиқ-чучугини, мураккабликлари, зиддиятларини чуқур тушунмайдиган олти-етти ёшлардаги бола сифати майдонга чиқарилади ва унинг номидан шундай дейилади: «Дадам Мамадазимни аввал бошдан ёқтирмас эканлар. У порахўр, олғир эмиш. Мен ҳалигача бу гапларнинг тагига етганим йўқ».

Порахўр, олғир нималигини идрок этолмаган бола кўпинча жуда ақлли, сезгир, мулоҳазали кишилардек фикр юритади. «Дадам жиноят билан ҳақиқатнинг чўзиладиган-у лекин узилмайдиган чизиғи устида турар, икки оташ ўртасида ёнардилар. У кишининг оғирини на Ойқор, на сокин Сангзор, на бепоён Галахирмонжой яйловлари, унда ёйилиб юрган сурув-сурув қўйлар, уюр-уюр йилқилар ва на бутун бошли қишлоғимиз енгиллата оларди».

Ҳалоллик, тўғрилик билан порахўрлик, олғирликнинг фарқини ажратолмайдиган бола ҳақиқат ҳамда жиноятнинг нималигини англармикин? Ҳақиқат билан жиноятнинг чўзиладиган, аммо узилмайдиган чизиғини-чи? Дадасининг ғам-аламлари, қайғу-ҳасратларини тоғлар ҳам, яйловлар ҳам, бутун қишлоқ ҳам кўтаролмаслигини-чи?

Ҳаётнинг бундай жумбоқларини ёш боланинг қандай қилиб тушунгани ва нима учун уларга диққат-эътибор қаратилаётгани қиссада ойдинлаштирилмайди.

Шуҳратнинг «Оқибатли одамлар», Омон Мухторнинг «Учқур поездлар», Эмин Усмоновнинг «Тилла чаноқ», Саъдулла Сиёевнинг «Яхшиларга ёндошдим» ва «Манзил яқин» каби қиссаларини ўқиб чиққанимиздан кейин бундай фикрларни янада қатъийроқ, жиддийроқ айтишга тўғри келади.

«Оқибатли одамлар» билан «Учқур поездлар»да Улуғ Ватан урушида ўзбек халқи фарзандларининг кўрсатган мардлик-матонатлари қаламга олинади. «Тилла чаноқ», «Яхшиларга ёндошдим» ва «Манзил яқин»да замондошларимиз — пахтакорлар, зиёлилар, қурувчилар тўғрисида ҳикоя қилинади.

Бу қиссалардан деярли ҳар бирида ўзига хос муайян фазилатлар мавжуд эканлигини эътироф этишимиз даркор: биринчи қиссада ёзувчи Шуҳрат қардош Белоруссиянинг чегарада жойлашган районларидан бирида ҳарбий врач — хирург бўлиб ишлаётган Акбар, унинг хотини — немис тили ўқитувчиси Матлуба, уларнинг ўғли Рустам тўғрисида тўлқинланиб сўзлайди, уларнинг ҳалоллиги, адолатпарварлиги, одамшавандалиги, ҳақиқатгўйлигини улуғлайди; Омон Мухтор немис босқинчиларига ҳам қалам, ҳам қурол билан қарши курашиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган шоир Султон Жўрани чинакам халқ қаҳрамони сифатида ардоқлайди; Эмин Усмонов пахтани ҳам, пахтакорни ҳам жон-дилидан яхши кўриб, барча билим, куч-қудратини мўл-кўл «оқ олтин» етиштиришга бағишлаган, бу йўлда колхоз раисаси билан яккама-якка олишган агроном Камолнинг ғайрат-шижоатига тасанно айтади; Саъдулла Сиёев бир қиссасида Туямўйин қурилишидаги марди майдонларни мадҳ этади, иккинчисида қишлоқ ўқитувчиси Суҳбатиллонинг қишлоқ мухбири сифатида олиб борган ишларини, унинг ўз бахти, муҳаббати учун курашини қаламга олади.

Бу асарларнинг яхши ният билан ёзилганлигига заррача шубҳаланмаймиз, бироқ уларда ниманки айтилмоқчи бўлса, қандай ғоя илгари сурилмоқчи бўлса, ниманки мадҳ этилиб, тараннум қилиниб, ниманки лаънатланса, деярли барчаси баён, таърифу тавсиф шаклида берилади.

«Оқибатли одамлар» қиссасидан олинган мана бу кўчирмани кўриб чиқайлик: «Рустамнинг хаёлидан ўтди: уруш ҳақида кўп китоб ўқиган, томоша кўрган, лекин ҳеч бирида бунақа эмас эди. Бу жуда даҳшат-ку: ким нима қиляпти, душман қани-ю, бизникилар қани — билиб бўлмасди. Фақат гумбирлаган овоз эшитилади, ўқлар учади. Дарахтлар шохи учиб тушади, уйларга ўт кетади, бола-чақа бирпиллаб йиғлайди, нимадир чарсиллаб тутун сочиб ёнади, кишилар югуришиб, у ёқдан-бу ёққа ўтади, ётиб туради, нимадир ҳайқиради. Англаб бўлмайди».

Қиссанинг бошидан охиригача тўплар, замбараклар, автоматлар, пулемётлардан ўқлар, снарядлар ёғилиб турганлиги, ҳар қадамда портлашлар рўй берганлиги, ағдар-тўнтарлар орасида бизникилар душманлар билан, душманлар эса бизникиларга аралашиб кетганлиги, гоҳ фашистлар армияси, гоҳ совет солдатлари ғолиб чиқаётганлиги турли хил шаклларда такрор-такрор айтилаверади, айтилаверади, аммо жангларнинг конкрет манзараларини кўролмаймиз, ёзувчи тасвирлаётган тўплар, замбараклар кўз ўнгимизда гавдаланмайди, умуман даҳшатли урушнинг даҳшатини реал ҳаётдагидек ҳис қилмаймиз, сезмаймиз. Натижада қаламга олинган воқеаларнинг қаерларда бўлаётганлигини аниқ тасаввур қилолмаймиз.

Тўғри, бир неча бор ёзувчи ҳарбий врач Белоруссиянинг чегарадаги районларидан бирида хизмат қиляпти, худди шу райондан немислар бостириб кирди, худди шу районда чегарачиларимиз, шунингдек, Акрам ҳам қаҳрамонларча жанг олиб бордилар, кўп талофат берилди, сўнгра чекиндилар, Акрамнинг ўғли Рустам эса немислар босиб олган ерда тасодифан қолиб кетди, у ерда партизанларга қўшилиб, немис фашистларининг адабини беришда ўзи иштирок этди, онаси Матлуба ҳалок бўлди, дадаси Акрам эса бир оёғидан ажралиб, юртига қайтди, пировардида ота-ўғил дийдор кўришади, деб таъкидлайди ва бу таъкидлар асар давомида ҳадеб такрорланаверади, такрорланаверади, лекин бу таъкидлар қанчалик кўп такрорланмасин, қандай шаклларда ҳаққоний ифодаланмасин, барибир, жонли, салмоқли тасвирлар ўрнини босолмайди. Оқибатда Белоруссиянинг чегарада жойлашган районларидан бири қандай қиёфага эга эканлигини асло англаб, тасаввур қилиб бўлмайди. Акрам, Матлуба ва Рустамнинг жанг майдонида у ёқдан бу ёққа юришлари, ҳарбий врачнинг ярадорларни операция қилиши, Матлубанинг ўлими, Рустамнинг партизанларга ёрдам бериши такрорланмас рангларга йўғрилган манзаралар орқали ёритилмайди. Умуман уларнинг ички дунёси, кечинмалари тадқиқ этилмасдан баён этилади, изоҳланади, шарҳланади, таърифу тавсифлар воситасида ифодаланади.

«Учқур поездлар»да ҳам худди шундай вазиятга дуч келамиз: «Уруш бутун турмушни аллақачон издан чиқарган, аммо шунга қарамай хонадонда ҳаёт ҳали асосан бир маромда давом этаётганди. Моҳира мактабда муаллима эди. Султон институтда дарс берарди. Улар Андижон шаҳри марказида, коммунал хўжаликка қарашли ҳовлидаги торгина даҳлизу икки хонадан иборат уйда туришарди. Бир ўғил, уч қизлари бор. Моҳиранинг ойиси — Моҳрўй опа ҳам уларникида яшарди».

Урушнинг ҳаётни издан чиқарганини шунчаки айтиб бериш орқали жонли таъсирчан манзара яратиб бўлмайди, Омон Мухтор эса Султон Жўранинг қаерда кун кечириб қаерда ишлаётганини, қачон адабиётга қизиқиб қачон шеър ёза бошлаганини, институтда қандай дарс бераётганини, онаси билан қандай яшаётгани кимлар билан қандай мулоқот-муносабатда бўлгани — барча-барчасини очеркнома услуб орқали намоён қилади.

Қаҳрамоннинг фронтдаги ҳаётини ифодалашда ҳам шу йўлдан борилади: «Ўқ ва ўт, тутун, тўзон. Бир қишлоқда қизил аскарлар, бир қишлоқда душман. Бир уйда қизил аскарлар бир уйда душман. Катта олишувлар, қўл-қўндоқ жанглари... Султон қудратли, улкан

халқ оломони бағрида ўқлар ёмғирига елка тутиб, қайнаб тошаётган, қонга буланиб қизариб оқаётган Днепрдан кечди. У белорус тупроғига умрида биринчи қадам қўйиши. Аммо бу юртни билади. Туркистонлик ўн тўрт комиссардан бири белорус бўлган. Янка Купала, Якуб Колас шеърлари...»

Шу тарзда ўқлар ёмғири, аскарларимизнинг немис солдатлари билан олишуви, қўл-қўндоқ жанглари ҳақида, Султон Жўранинг ўқлар ёмғирида, даҳшатли шароитда душманларга қақшатғич зарба бераётгани тўғрисида хабар қилинади, аммо биз бу олишувлар, жангларнинг ўзини кўргандай ўқ-дори ҳидини сезиб тургандай, даҳшатли манзаралар ичида юргандай бўлмаймиз.

Борди-ю, «Оқибатли одамлар» билан «Учқур поездлар»даги фронт ҳаётини қамраб олган саҳифалар бир-бириларига таққосланса, улар деярли фарқланмаслигини кўриш қийин эмас. Негаки, Шуҳрат ҳам, Омон Мухтор ҳам қаҳрамонларнинг жанг пайтидаги хатти-ҳаракатларини, ўй-кечинмаларини, улар ҳаракат қиладиган шарт-шароитни умумий йўсинда таърифлаб тавсифлашга бор куч-қудрати, имкониятини сарфлаганлар.

Афсуски, таърифлаб тавсифлаш, баён этишни чинакам бадиий тасвир деб ҳисобловчи, қабул қилувчи қаламкашлар ҳам, ўқувчилар ҳам оз эмас. Ахир, қаҳрамон ҳаётини, у яшаб, меҳнат қилиб турган муҳитни таърифлаб тавсифлаш, баён этиб беришда жуда кўп меҳнат, чексиз-чегарасиз изланишларга, муҳтожлик, зарурият сезилмайди-да! Унчалик кўп тер тўкилмасдан, мислсиз машаққатлар чекилмасдан ёзилган асарни ўқиш ҳам қийин бўлмайди-да, ахир!

Бундан шундай фикр англашиладики, «Оқибатли одамлар» ёки «Учқур поездлар»нигина эмас, ҳатто ғоявий-бадиий жиҳатдан ниҳоятда ғўрлиги, заифлиги сезилиб турган «Инқироз»ни ўқиб ёқтирадиган китобхонлар ҳам топилади.

Бунга ажабланишнинг ҳожати йўқ. Ғоявий-бадиий жиҳатдан, етук, бақувват асарлар яратолмайдиган қаламкашлар бўлганидек, сўз санъатининг баркамол намуналарини идрок этолмайдиган, ўқиб, уқиб ололмайдиган китобхонлар ҳаммавақт учрайди. Аммо диди ўткир, ўта талабчан, илғорларнинг илғори бўлган етук ўқувчилар ҳам кўпки, ижодкорларимиз биринчи навбатда мана шундай пешқадам китобхонларимиз эҳтиёжини қондириш учун заҳмат чексалар, ғоявий-бадиий юксакликни забт этишлари мумкин. Акс ҳолда бугун равон, осон ўқилиб, эртага унутилиб кетадиган асарлар пайдо бўлаверади.

Таърифу тавсифлар, баённомалардан ташкил топиб, бугун ўқилиб, эртасига хотирдан кўтарилиб кетадиган асарлар бир қарашда асло зарар келтирмайдигандай бўлиб туюлади. Аслида улар ҳаёт мураккабликлари, зиддиятларини ўта соддалаштириб, хаспўшлаб, ҳаттоки бузиб юборади-да, ҳақиқат, адолат ҳамда бахт-саодат учун кураш моҳиятини юзаки кўрсатади.

Эмин Усмоновнинг «Тилла чаноқ», Саъдулла Сиёевнинг «Яхшиларга ёндошдим» каби бир қанча фазилатлари билан ажралиб турадиган қиссаларида мана шундай ҳолатга дуч келамиз.

«Тилла чаноқ»нинг қаҳрамонларидан бири Малика қишлоқда чигит экилмаган бир қарич ер қолмасин, деб ҳатто болалар боғчаси ва мактаб ҳовлисини ҳам пахтазорга айлантиради. Нима учун шундай қилади? Пахтадан мўл-кўл ҳосил олиб колхозчилар ҳаётини янада гуллатиб яшнатиш учунми? Халқ фаровонлигини таъминлаш учунми?

Ёзувчи шунга диққатимизни жалб этади: Малика колхоз планини тўлдириш билан ўз лавозимини, раислик лавозимини сақлаб қолиш, шон-шуҳрат, обрў орттириш учун бир қарич ерни бўш қолдирмайди, одамларнинг бахти, фаровонлигини ўйламайди, эл-юртнинг манфаатини эмас, фақат ўзининг манфаатини кўзлайди. Буни

унинг ўзига очиқ айтган колхоз агрономи Камолни вазифасидан четлатиб, янги очилган қўриқ тузилган бригадага бошлиқ қилиб юборади, яъни жазолайди, Камолнинг ўз таъбири билан айтганда, раиса уни бадарға қилади.

Хуллас, мансабпараст, шуҳратпараст, худбин, бағритош деб таърифланган, тавсифланган Малика асарнинг охирига бориб жуда раҳмдил, инсонпарвар, ақлли, тадбиркор, ажойиб раҳбарга айланади-қолади.

«Яхшиларга ёндошдим» қиссасида ўқиб-ўқишни, ишлаб-ишлашни дўндиролмай нуқул ресторанма-ресторан санқиб кайфу сафога муккасидан кетган, катта амалдор бўлган отаси берган жарақ-жарақ пуллар билан ўша отаси тақдим этган «Москвич»да жавлон уриб юрган Шавкат исмли йигит тасодифан бирдан инсофга келиб, Хоразмдаги Туямўйин қурилишига жўнайди, қурилишда қайтадан туғилиб, меҳнат қаҳрамонига айланади-қолади.

Ҳар иккала қиссадаги бундай «айланиб-қолишлар», яъни ёмоннинг яхшига, салбийнинг ижобийга, диёнатсизнинг виждонлига айланиши қаҳрамонлар тақдири, ички дунёси, характерида рўй берган ўзгаришлар барча мураккабликлари, зиддиятлари билан чуқур очиб берилмагани учун бизни ишонтирмайди.

Эмин Усмонов ҳам, Саъдулла Сиёев ҳам ўз қаҳрамонларининг жуда кўп қийинчиликларни бартараф этиб, жуда кўп машаққатлар чекиб, ҳаётнинг ҳақиқий йўлига тушиб олдилар деб айтиш, уқдиришдан нарига ўтмайдилар. Оқибатда Малика ҳам, Шавкат ҳам эртаклардагидек «бир юмалаб» ўз ҳаёти, характерини ўзгартириб, яхшилаб олганга ўхшайди.

Нима учун шундай бўлган?

Ҳаётни, инсон фаолиятини чуқур билмаслик, идрок этмасликданми? Маҳорат етишмаслигиданми? Ёки ижодкорларимизнинг юксак талабчанлик билан масъулиятни ҳаммавақт чуқур ҳис қилиб қалам тебратмаганиданми? Ёхуд ғоятда муҳим, салмоқли ғоявий мақсадга мувофиқ ҳаққоний, оригинал тасвирлар кашф этолмаганиданми?..

Бу тахминларнинг барчасида жон бўлса керак. Чунки, «Ҳамманинг яшагиси келади» қиссасида ҳаётдагидек тирик одамларни, жонли қиёфаларни учратамиз, бироқ бу тирик одамлар, жонли қиёфаларнинг характерлари ўткир ижтимоий муаммони ёритиш нуқтаи назаридан тадқиқ этилмайди. Тўғри, яшаш, кун кечириш учун кураш ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади ва шу аснода Муроджон Мансуров Отамуроднинг бағри кенг, олижаноб, ҳалол инсон эканлигини, унинг бошлиғи Султоновнинг мансабпарастлиги, худбинлиги, пасткашлиги, Ортиқнинг аблаҳлигини кўз ўнгимизда гавдалантиришга эришган. Борди-ю, кун кечиришдан ҳам муҳимроқ, улуғроқ, юксакроқ мақсадлар асосида қаҳрамонлар тўқнашуви тадқиқ этилганда қиссанинг мазмун доираси кенгайиб, салмоғи сўзсиз ортган бўлур эди. Яна шуниси борки, қиссадаги тасвирларнинг ҳаётий мазмуни ҳаммавақт ҳаққоний, теран, мураккаб маъноларни қамраб олмайди. Хусусан, қаҳрамонлар ҳаракат қиладиган муҳит тасвирида аниқлик, ёрқинлик етишмайди. Ахир, воқеалар Устюртда рўй беради-ю, бироқ бу саҳронинг қиёфаси кўз олдимизга келмайди.

Ёзувчи Устюрт қиёфасини бутун салобати, ранг-баранг манзаралари, чексиз уфқлари билан гавдалантиролмаган, бу эса қаҳрамонлар ички дунёсини, уларнинг ижтимоий ва интим фаолиятини янада чуқурроқ, теранроқ тасвирлашга монелик қилган.

Ушбу қиссалар, романларда йўл қўйилган бошқа нуқсонлар тўғрисидаги мулоҳазаларни яна давом эттириш мумкин, бироқ етишмовчиликлар, камчиликлар ҳақида кўпроқ, батафсилроқ гапиришга нима учун мажбур бўляпмиз?

CamScanner

Юқорига кўтарила борган сари пастдаги нарсалар жуда аниқ кўринганидек, адабиётимиз, хусусан, прозамиз тобора юксалаётганлиги туфайли,— бу фикрни яна бир карра такрорлаймиз,— ғоявий-бадиий жиҳатдан заиф, ғўр асарларга қарши курашни ҳар томонлама кучайтириш, авж олдириш заруратини туғдиряпти.

Бу заруратни юзага чиқараётган қўшимча сабаб ҳам бор: гап шундаки, айрим танқидчиларимиз ёзувчиларни мақташ, мадҳ этишда мислсиз «рекорд» қўймоқда. Улар бир қаламкашни тўғридан-тўғри, ҳеч қандай асоссиз, Чехов ёки Горькийга, иккинчисини Твардовский ёки Чингиз Айтматовга таққослаб, бутун дунёни забт этган классик санъаткор даражасига кўтариб, учинчиси, тўртинчиси ва бошқаларни замонамизнинг Алишер Навоийси деб бонг урадилар. Бунга баъзан жуда ғалати исбот ҳам келтирадилар: ёзувчи чет эллик ҳамкасабасидан хат олса ёки чет элга бориб келса бас, у жаҳон миқёсига кўтарилган санъаткор деб эълон қилинади. Ҳолбуки, сунъий мақтовлар, асоссиз мадҳ этишлар, «урра-урра»лар биринчи навбатда адабиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган чинакам истеъдод соҳибларига соя ташлайди, пировард-натижада кўкларга кўтарилаётган қаламкашларнинг ўсиб ўзгариб, етук асарлар яратишига ҳалақит беради. Қолаверса, ўқувчиларнинг дидини бузади. Уларни йўлдан уради.

Ҳурматли ёзувчимиз Шароф Рашидовнинг раҳбарнинг камтарлиги тўғрисида айтган ажойиб фикрлари қалам аҳлига бевосита алоқадордир. Камтарлик туйғусини йўқотган ёзувчи ҳам, мунаққид ҳам ўз изланиш-интилишларига юксак талабчанлик билан қараб, уларнинг моҳиятини танқидий руҳда идрок этолмайди. Айрим қаламкашларимиз адолатли, ҳаққоний танқидни «уруш, дўппослаш, эзиб мажақлаб ташлаш, янчиш, йўқотиш, қорага чаплаш» деб тушунадилар-да, жиддий мулоҳаза юритишга тиш-тирноғи билан қарши чиқадилар.

Афсуски, бир қанча редакцияларимизда ҳам шунга ўхшаш кайфият мавжудлигини айтмасдан иложимиз йўқ. Ахир, ҳар йили ёзувчиларнинг анжуманларида, обзор мақолаларда ғоявий-бадиий жиҳатдан ғўр асарлар ёмон қовуннинг уруғидан ҳам кўпайиб кетяпти, деб додлаймиз-у, бироқ ўша ғўр асарлардан бирини адолатли равишда асосли танқид қилган жуда салмоқли, ўткир мақолалар жуда кам ёзиляпти.

Етук таҳлил билан «пайвандланиб», ўткир, принципиал мазмун касб этган танқидий мулоҳазалар, кузатишлар, ҳукм-хулосалар ёзувчиларда ўзидан қаноатланмаслик, қониқмаслик туйғусини пайдо этади. Толстойдек даҳонинг умр бўйи бирорта асаридан кўнгли тўлмаганини баралла айтиб, ҳар гал ўзининг янада зўр ғайрат, шижоат билан асар ёзишга киришганини бир эслаб қўяйлик. Ўша Толстойнинг чинакам санъаткор ўз изланиш-интилишларига танқидчи сифатида ёндошиб, муттасил «тафтиш» қилиб туриши лозимлигини қайта-қайта уқтирганини ҳам ёддан чиқармаслигимиз даркор. Агар ёзувчиларимизда ўзларидан қониқмаслик туйғуси мавж уриб турса, адабий танқиднинг кенг қулоч ёзишига имкон туғилади, бу эса пировардида социалистик реализм байроғи остида равнақ топаётган адабиётимизнинг ҳозиргидан ҳам зўр юксакликларга кўтарилишини таъминлайди.